

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№7 (3) 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I7Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 7 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Тахририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Usmonov Axrorjon Rustamjon o'g'li*  
AMALIY SAN'AT BILAN BOG'LIQ NOMODDIY MADANIY MEROSLAR ..... 9-15
- Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович*  
ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАДИНА ШАҲРИНИНГ ЎРНИ ..... 16-20
- Siddiqov Mirshod Baxtiyorovich*  
SOVET HOKIMIYATINING QORAQALPOG'ISTON ASSRDA IJTIMOIIY TA'MINOT  
SIYOSATI ..... 21-26
- Хайназаров Баҳромжон Бахтиёрович*  
КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА ТУБ БЎЛМАГАН АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТАЪЛИМ  
ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН  
(XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ) ..... 27-32
- Мансуров Музаффаржон Шарифжон ўғли*  
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТУРИЗМ ТАРҒИБОТИДА  
ТУТГАН ЎРНИ ..... 33-41
- Bobodustov Bobur Mirzaboyevich*  
ZARAFSHON DARYOSIDAGI SUV AYIRG'ICH TIZIMLARINI TA'MIRLASHGA ROSSIYA  
IMPERIYASI MA'MURIYATINING MUNOSABATI ..... 42-47
- Саидбобоева Гулзора Нематжоновна*  
XX АСРНИНГ 30–50-ЙИЛЛАР ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ – РЕСПУБЛИКАНИ  
ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА ОИД МАНБА ..... 48-55

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Казаков Олим Сабирович*  
ЕТАКЧИЛИК ТАЪСИРИДА БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ..... 56-60
- Utkirov Abbos Meyliyevich*  
CHALLENGES IN IMPLEMENTING TQM IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ..... 61-67
- Umronov Eldorbek Sodirovich*  
TURISTIK KORXONALAR DOIRASIDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI TASHKIL ETISH VA  
RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY ASOSLARI ..... 68-76
- Норбоев Аллаёр Исмоилович, Тулкинов Гайрат Кадилович*  
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И НАПРАВЛЕНИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В РАЗВИТИИ МОЛОДЁЖНОГО  
ТУРИЗМА ..... 77-82
- Xolmurotov Fozil Saribayevich*  
MINTAQADA AHOLI TURMUSH FARAVONLIGINI OSHIRISHDA QISHLOQ XO'JALIK  
MAHSULOTLARINI YETISHTIRUVCHI SUBYEKTLAR RO'LINI BAHOLASH ..... 83-91
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*  
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ  
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 92-100

*Гойипназаров Санжар Баходирович*  
СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРИЙ ЭТИШ НАТИЖАСИДА МЕХНАТ БОЗОРИДАГИ  
ЎЗГАРИШЛАР .....101-110

*Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li*  
BANK MENEJMENTI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI .....111-119

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Юлдашев Фаррух Абдурахманович*  
АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭХТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ .....120-126

*Тожибоев Сарвар Пулатжон ўғли*  
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ .....127-132

*Ismatov Shohruhbek Murod o'g'li*  
YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOY DAVLAT BARPO ETISH VA UNING G'OYAVIY MAFKURAGA  
ASOSLARI .....133-137

*Abdullayev Temur Bobir o'g'li*  
TIL VA TAFAKKUR DIALEKTIKASINING BILISH JARAYONIDAGI ROLI .....138-143

*Islamov Kamol Tashkulovich*  
UYG'ONISH DAVRI DUNYOQARASHIDA DINIY VA DUNYOVIY YONDASHUVLAR  
NISBATI ..... 144-150

### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Isanova Feruza Tulqinovna*  
O'ZBEK TILI XALQARO HUQUQ SOHASIGA OID LEKSIK BIRLIKLARINING FUNKSIONAL  
XUSUSIYATLARI .....151-160

*Ro'ziyev Elbek O'rol o'g'li*  
AMIR TEMUR VA TEMURIY HUKMDORLAR YORLIQLARIDA SIYOSIY NUTQ SHAKLLARINING  
QO'LLANILISHI .....161-167

*Мухамедова Феруза Баходир кизи*  
ФОРМИРОВАНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ СИСТЕМЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ  
А. КИМА.....168-174

*Abdullayev Ikramjon Xashimdjanoich*  
TILSHUNOSLIKDA SO'Z VA SO'Z TURKUMLARI: TADQIQI VA TAVSIFI .....175-180

*Tagayeva Sayyora Ulashovna, Inoyatillo Ozoda*  
FIZIKA FAKULTETI TALABALARIGA NEMIS TILINI O'QITISHDA INNOVATSION  
METODLARINING QO'LLANILISHI .....181-185

*Egamberdiyeva Mohidil Gulomjon qizi*  
MADANIYATLARARO MULOQOTDA NUTQIY ETIKETNING ANTROPOSENTRIK  
TADQIQI .....186-190

## **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

- Жавлиев Нурали Баходирович*  
МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ .....191-195
- Узакова Гўзал Шариповна*  
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН  
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ (ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ).....196-204
- Usmanov Alisher Tolmasovich*  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MA'MURIY HUQUQBUZARLIK TO'G'RISIDAGI ISHLARNI  
YURITISHNING SODDALASHTIRILGAN TARTIBI: MUAMMOLAR VA TAKLIFLAR .....205-213
- Авезова Элеонора Парахатовна*  
РАВНОЕ ПРАВО ГРАЖДАН НА ПОСТУПЛЕНИЕ В ГОСУДАРСТВЕННУЮ ГРАЖДАНСКУЮ  
СЛУЖБУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН .....214-218
- Мукумов Бобур Мелибой угли*  
ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ  
АКТОВ ПО ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ТЕХНОЛОГИЙ БЛОКЧЕЙН. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ  
.....219-224
- Туракулова Назира Абдишукуровна*  
СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ:  
ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН .....225-232

## **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

- Хўжамкелдиев Гафур Султон ўгли*  
СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИДА ТИКЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ .....233-237
- Aziz Hasanovich Rajabiy*  
BO'LAJAK VOKAL O'QITUVCHILARINING INTELLEKTUAL-IJODIY FIKRLASH QOBILIYATINI  
RIVOJLANTIRISH .....238-242
- Malikova Sevar Samatovna*  
BO'LAJAK XOR RAHVARLARINING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH .....243-246
- Васильченко Ольга Анатольевна*  
ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВЫХ НАВЫКОВ .....247-251
- Хојитуродова Маһлиёхон Кенжавоу қизи, Иномов Фахриддин О'рмонjonovich*  
AN INNOVATIVE APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' MOVEMENT SKILLS  
AND COMPETENCIES IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES .....252-257
- Асадуллаева Наргиза*  
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ  
МУСТАҲҚАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁННИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ .....258-265
- Mamadova Feruzaxon Mirzaaxmad qizi*  
BO'LAJAK JISMONIY MADANIYAT MUTAXASSISLARINING PEDAGOGIK MADANIYATI VA  
KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHNING PEDAGOGIK MODELI .....266-272

<i>O'ktamova Navruza Botir qizi</i> BO'LAJAK JURNALISTLARGA INGLIZ TILINI O'QITISHDA SOTSIOLINGVISTIK KOMPETENSIYANI TAKOMILLASHTIRISH (SIYOSIY-IJTIMOIIY MATNLAR MISOLIDA) .....	273-277
<i>Humonjonov Shoxzodbek Dilshodjon ўғли</i> ОЛИЙ ТЕХНИКА ТАЪЛИМИДА МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЭЛЕКТРОН МЕТОДИК АСОСЛАРИНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ .....	278-287
<i>Xuramov Ilxom Panjiyevich</i> PROFESSIONAL TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN ISLOHOTLARNI JADALLASHTIRISH VA KASBIY KO'NIKMALARNI RIVOJLANTIRISH .....	288-292
<i>Azizbek Umarov</i> MEDIATA'LIM – TALABALARNING MEDIA MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN FAN TARMOG'I SIFATIDA .....	293-299
<i>Saidova Zilola Gadoymurodovna</i> TA'LIM INTEGRATSIYASINING AYRIM MASALALARI .....	300-307
<i>Raxmonova Gulrux Ulashevna</i> O'ZBEK XALQINING MILLIY HARAKATLI O'YINLARIDAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI .....	308-312
<i>Boynazarova Sayyora Ruzikulovna</i> BIOLOGIYA O'QITUVCHISI KASBIY KOMPETENSIYALARI VA KOMPETENTLIGINI MONITORING QILISHNING MAVJUD METODIKASI VA UNI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI .....	313-317
<i>Shermuhammadov Bahodirjon, Xasanova Ozodaxon Qurvonali qizi</i> MDH OLIMLARI TOMONIDAN CHET TILLARNI O'RGANISHDA UCHRAYDIGAN XATOLAR MAVZUSIDA OLIB BORGAN TADQIQOTLAR TAHLILI .....	318-323
<i>Abdusalimova Nargizaxon Olimjon qizi</i> MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA STEAM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANIB FIZIKA DARSLARINI TASHKIL ETISHNING AFZALLIKLARI .....	324-329
<i>Shafiyeva Elnara, Murotmusaev Komiljon Buribaevich</i> THE CHARACTERISTICS OF MENTAL HEALTH IN ELDERLY PEOPLE .....	330-349



*12.00.00-Юридик фанлар*

**Узакова Гўзал Шариповна,**  
Тошкент давлат юридик университети  
Экология ҳуқуқи кафедраси мудири,  
юридик фанлари доктори (DSc), доцент

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН  
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ (ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ)**

**Аннотация.** Мақолада БМТ Барқарор ривожланиш дастурида белгиланган асосий мақсадлардан бири бўлган – аҳоли учун тоза сув ва санитариянинг мавжудлигини таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллиф Ўзбекистон Республикасининг сув қонунчилиги ҳолати, унда ифодаланган сув муҳофаза зоналари режими, сув истеъмоли ва сувдан фойдаланиш ҳуқуқлари, ер ости сувларидан фойдаланишнинг амалдаги ҳуқуқий режимини ўрганган.

**Калит сўзлар:** сув ресурслари, тоза ичимлик суви, экологик меъёрлар, санитария нормалари, яшаш ҳуқуқи, қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи

---

**Uzakova Guzal Sharipovna,**  
Head of the Environmental Law Department  
of Tashkent State University of Law,  
DSc, Associate Professor

**RATIONAL USE OF WATER RESOURCES IN ACHIEVING SUSTAINABLE  
DEVELOPMENT GOALS (LEGAL ASPECTS)**

**Abstract.** The article analyzes the legal aspects of ensuring the availability of clean water and sanitation for the population, which is one of the main goals set by the UN Sustainable Development Program. The author studied the state of the water legislation of the Republic of Uzbekistan, the regime of water protection zones, the rights of water consumption and water use, and the current legal regime of groundwater use are analyzed.

**Keywords:** water resources, clean drinking water, ecological standards, sanitary standards, right to life, right to have a comfortable environment.

---

**Узакова Гузал Шариповна,**  
Заведующая кафедры Экологическое право  
Ташкентского государственного  
юридического университета,  
доктор юридических наук (DSc), доцент

**РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В ДОСТИЖЕНИИ ЦЕЛЕЙ  
УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ (ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ)**

**Аннотация.** В статье анализируются правовые аспекты обеспечения доступности чистой воды и санитарии для населения – одна из основных целей, поставленных в программе устойчивого развития ООН. Автор изучил состояние водного законодательства Республики Узбекистан, режим выраженных в нем водоохраных зон, права водопотребления и водопользования, действующий правовой режим пользования подземными водами.

**Ключевые слова:** водные ресурсы, чистая питьевая вода, экологические нормы, санитарные нормы, право на жизнь, право на благоприятную окружающую среду.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I7Y2023N27>

ЮНЕП маълумотига кўра, планетамиздаги дарёларнинг ярми жиддий ифлосланган. Эндиликда Ер шари аҳолисининг 40 фоиз ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. Яна 30 йилдан сўнг тоза ичимлик суви танқис ресурс бўлиб қолиши мумкин. Аҳолининг ярмидан кўпи сув муаммо бўлган ҳудудларда яшамоқда. Ҳозирги вақтда Европада 120 млн. аҳоли тоза ичимлик сувдан фойдалана олмайди, бунга асосан сувдан исрофгарчилик билан фойдаланганлик сабаб бўлмоқда.[1] Бугунги кунда дунё миқёсида деярли 1 млрд. аҳоли хавфсиз ичимлик сувига эга эмас. 2030 йилга келиб уларнинг сони 2,7 млрд. кишига етиши тахмин қилиняпти. Ҳозирги вақтда МАГАТЭ маълумотига биноан, ҳар йили 5 млн. киши ифлосланган ва сифатсиз сувни истеъмол этишга мажбур бўлмоқда.

“БМТ – сув ресурслари” механизми ва Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Жильбер Унгбонинг таъкидлашича, “Дунё 2030 йилга бориб сув ва канализация бўйича Олтинчи Барқарор ривожланиш мақсадига эришишда режадан анча ортда қолмоқда. Миллиардлаб одамлар юқумли касалликларга чалиниш хавфи остида, айниқса иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатлар даври яқинлашяпти. [2]

Жаҳон метеорология ташкилоти томонидан эълон қилинган “Глобал сув ресурслари ҳолати”га оид ҳисоботда 2050 йилга келиб Ернинг беш миллиарддан зиёд аҳолиси сув танқислигини бошдан кечиради. Мазкур ташкилотнинг иқлим, экологик ва ижтимоий ўзгаришлар Ернинг сув ресурсларига таъсирини таҳлил қилиш натижаларида чучук сув захираларининг глобал ҳажми, шунингдек, ер криосферасининг (қор ва муз) заиф ҳолати ҳақида маълумотлар эълон қилинди. Ҳисоботда қайд этилишича, ўтган йили дунёнинг катта қисмида одатдагидан куруқроқ об-ҳаво ҳукм сурган. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда иқлим ўзгаришининг оқибатлари сув ресурслари орқали тобора кўпроқ сезилмоқда. Қурғоқчилик, экстремал тошқинлар, мавсумий ёғингарчилик ва музликларнинг тез эришига гувоҳ бўляпмиз. Бундай ўзгаришлар жаҳон иқтисодиёти, экотизимлар ва кундалик ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларига кескин таъсир кўрсатмоқда.[3] Чучук сув захираларининг камайиши инсоннинг яшаш ҳуқуқи, тоза чучук сувга бўлган ҳуқуқининг таъминланишига сўзсиз салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда инсоннинг яшаш ҳуқуқидек табиий ҳуқуқини таъминлашда унинг сув ресурсларига, айниқса тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш жаҳон ҳамжамияти олдида турган марказий масалалардан бўлиб қолмоқда. [4] Аҳолининг тоза ичимлик сувига зарур миқдорда эга бўлиш ҳуқуқи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3- ва 25-моддаларида ўз ифодасини топган. Унда ҳар қайси инсон яшаш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилган. Инсоннинг зарур миқдорда тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи унинг яшаш ҳуқуқини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. [5]

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи ва уни таъминловчи шартлар билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқлар 1976 йил 3 январдан бошлаб кучга кирган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан,

унда инсоннинг қуйидаги ҳуқуқлари - ҳар қайси одамнинг ўзи ва оиласи учун, жумладан, етарлича овқатланиш, кийим-кечак, турар-жой ва турмуш шароитини узлуксиз яхшилашни қўшган ҳолда, етарлича турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи(1-модда, 1-қисм); очликдан халос бўлиш ҳуқуқи(11-модда, 2-қисм); ҳар қайси инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатликнинг энг юқори даражасига бўлган ҳуқуқи(12-модда) ўз ифодасини топган. Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини тартибга солувчи халқаро ҳужжатларга инсонни ўраб турган атроф табиий муҳит бўйича Стокгольм декларацияси(1972), Табиат тўғрисидаги Бутунжаҳон хартияси(1982), Биохилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция(1992)ни ҳам кўрсатиш мумкин. Ушбу халқаро ҳужжатларда инсоннинг зарур миқдордаги тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши шартлиги кўрсатилган. “Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Хельсинки конвенцияси (1992 йил 17 март), ана шу Конвенцияга сув ва саломатлик муаммолари бўйича Протокол бугунги кунда инсоннинг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш борасида халқаро ташкилотларнинг фундаментал ҳужжати ҳисобланади. Мазкур конвенциянинг асосий мақсади “инсоннинг зарур миқдордаги тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи”ни таъминлашдан иборат. [6]

Таъкидлаш жоизки, 2023 йил 22-24 март кунлари БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги Бош қароргоҳида Тожикистон Республикаси ва Нидерландия Қироллиги раислигида бўлиб ўтадиган “БМТ Сув конференцияси – 2023”га катта умидлар боғланмоқда. Мазкур анжуман 1977 йилда Аргентинанинг Мардель-Плата шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги сув конференциясидан кейин биринчи марта ўтказилаётгани эътиборга молик. “Сув барқарор ривожланиш учун – 2018-2028” – БМТ халқаро ҳаракат ўн йиллиги доирасида ўтадиган тадбир инсониятнинг зарурий эҳтиёжлари бўлмиш сув ва канализациялар танқислиги, иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалалар ва бошқа ечимини топмаган муаммоларга барҳам беришга қаратилган бўлиб, мазкур тадбир натижасида дунё етакчилари сув ва канализация ишларини қайта фаоллаштириш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммаларига олиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сув ресурслари тақчиллиги янада ошган ҳозирги шароитда сув захираларидан табиатнинг умумий қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда тежамли, оқилона, самарали, илм-фан тавсиялари асосида фойдаланиш ва уни муҳофазасини тўғри таъминлаш бугунги куннинг биринчи даражали вазифаларидан биридир. [7] Бу вазифани амалга оширишда ҳуқуқий муносабатларнинг роли жуда катта, у сувдан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш вазифасини ўтайди, ундан самарали фойдаланиш ва турли хил ғайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш чораларини белгилайди. Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишга қаратилган қонунлар сув бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, асраш, қўриқлаш, тежаш тартибларини ўрнатади ва ушбу тартибларга риоя қилиш чораларини белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг давлат экологик сиёсатида сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш марказий масалалардан бўлиб қолмоқда. [8]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилнинг 20 декабр куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатида Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришнинг 2023 йилдаги устувор йўналишлари белгилаб берилиб, унда **тўртинчи йўналиш** сифатида, экология, айниқса, сув масалалари глобал муаммога айланиб бораётгани қайд этилди. [9] “Биз нафақат бугунги, балки келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз шарт. Шу боис, Конституциямизда табиий ресурслар, жумладан, сув ҳавзалари ва ер ости захираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтиришимиз зарур. Биласиз, мамлакатимиз сўнгги 3 йилда қурғоқчиликни бошдан кечирди. Бунинг таъсири, айниқса, Амударёнинг қуйи ҳавзасидаги ҳудудларимизда яққол сезилди. Шу ўринда Амударё ўзанида янги канал қурилиши бўйича қўшни Афғонистоннинг муваққат ҳукумати ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан бирга халқаро меъёрлар асосида ва минтақанинг барча давлатлари манфаатларини инобатга олиш юзасидан амалий мулоқотлар олиб бориш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бундай ёндашув қўшниларимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланишига ишонамиз. Умуман, сўнгги 15 йилда ёғингарчилик 25 фоизга қисқарди. Ёзда ўта иссиқ кунлар давомийлиги ортгани олдимизда ҳали катта синовлар борлигидан далолат беради.....Ҳозирги вақтда бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жиддий экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Аксарият ҳудудларимизда тупроқ таркиби бузилиб, унумдор ерлар қисқариб бораётгани, чўлланиш, сув етишмаслиги, қурғоқчилик, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш шулар жумласидандир. Табиатимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш келгуси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши керак...”

Дарҳақиқат, сув ресурслари инсоннинг ҳаёти учун зарур тириклик манбаи, жамият ҳаётида аҳолининг турли эҳтиёжларини қондириш учун асосий табиий ресурс сифатида аҳамияти чексиздир. Ўзбекистон аҳолиси ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларининг 60 фоиз ер ости сувлари орқали қондирилади. Марказий Осиё сув ҳажми чекланган минтақалардан бири сифатида асосий сув манбаи Амударё, Сирдарё ва бошқа дарё, сув ҳавзаларидан иборатдир. [10] Бугунги сувга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ошиши эса, улардан илмий-амалий жиҳатдан асосланган равишда оқилона фойдаланиш, ҳамда муҳофаза этиш чораларини кўришни талаб этади. Бунда ҳуқуқнинг ўрни беқиёс бўлиб, мамлакатимиз сув қонунчилиги табиий ресурслар билан боғлиқ ҳуқуқ тизимида ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. [11]

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги 837–XII-сон қонунида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тушунчалари бир-биридан фарқланади. Амалдаги қонунчиликка кўра, **сув истеъмоли (сувни истеъмол қилиш) деганда**, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжларини қондириш учун сув ресурсларидан уларни сув объектидан белгиланган тартибда олган ҳолда фойдаланиш тушунилади. Сувдан фойдаланиш деганда эса, юридик ва жисмоний шахслар томонидан сув ресурсларини сув объектидан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш тушунилади. Сувдан фойдаланиш ўз навбатида сув объектидан сув олиш усулига, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этилишига қараб умумий ва махсус фойдаланиш турларига бўлинади. Сув истеъмоли ҳам мақсадли фойдаланилишига кўра ичимлик, коммунал-маиший, даволаш, курорт, рекреация, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги сув истеъмолига турларига бўлинади. Сув объектидан олинган сувнинг миқдорига қараб сув истеъмоли умумий ва махсус сув истеъмолига бўлинади. Юридик шахс бўлган сув истеъмолчилари умумий

манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида **сув истеъмолчилари уюшмаси ташкил этиб, унга бирлашишлари мумкин. Шунингдек, амалдаги сув қонунчилиги сувдан фойдаланишнинг турли мақсадларини белгилайди.** Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи фойдаланиш ва истеъмол қилиш мақсадига қараб, а) сувдан аҳоли истеъмоли ва ичимлик эҳтиёжи учун фойдаланиш; б) маиший эҳтиёжни қондириш учун фойдаланиш; в) даволаш, курорт ва соғломлаштириш мақсадида фойдаланиш турларига бўлинади. Шунингдек, аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини марказлашган ва марказлашмаган сувдан фойдаланиш турларига ҳам бўлиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи ҳақида гап борганда, “ичимлик суви”, “тоза ичимлик суви”, “сифатли ичимлик сув”, “зарур миқдордаги ичимлик суви” каби тушунчаларга аниқлик киритиш зарур. А.Жумановнинг фикрига кўра, *ичимлик суви* деганда, инсон томонидан истеъмол қилиш, овқат тайёрлаш, шахсий гигиена, маиший ёки шунга ўхшаш ижтимоий мақсадлар учун фойдаланиладиган сув тушунилади. *Тоза ичимлик суви* деганда, инсон томонидан истеъмол қилиш, овқат тайёрлаш, шахсий гигиена, ижтимоий-маиший ёки шунга ўхшаш ижтимоий мақсадлар учун санитария-гигиена меъёрларига, экологик талабларга жавоб берадиган фойдаланиш учун етказиб берилган сув назарда тутилади. *Сифатли ичимлик суви* деганда, таркибида инсон саломатлиги учун зарарли аралашмалар бўлмаган сув тушунилади. У рангсиз, ҳидсиз ҳамда истеъмол учун хавфсиз бўлиши талаб этилади. Сифатли ичимлик суви нафақат бактериологик даражада тоза ва инсон организми учун зарарли моддаларсиз бўлиши, балки фойдали минералларга ҳам эга бўлиши зарур. [12]

Таъкидлаш жоизки, экология ҳуқуқининг марказий масаласи бўлган – фуқароларнинг соғлом, қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи унинг тоза ичимлик суви билан таъминланиши ҳамда санитарияга бўлган имконияти билан узвий боғлиқдир. [13] Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳақида гап борганда, унинг “зарур миқдори” муҳим аҳамият касб этишини қайд этиш жоиз. Яъни, зарур миқдордаги ичимлик суви деганда, ҳар бир инсонни сувга бўлган истеъмол эҳтиёжларини қондириш учун етарли даражадаги ва узлуксиз таъминлашга хизмат қиладиган сув ҳажми тушунилади. Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида ҳар бир инсон томонидан фойдаланиладиган сувнинг кунлик ўртача миқдори турличадир. Сув танқис бўлган давлатларда бу кўрсаткич минимал миқдор ҳисобланган 20 литрга ҳам етмайди. Аслида тоза ичимлик суви фақат истеъмол учун эмас, балки инсоннинг кундалик эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган бошқа турли хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун ҳам етарли бўлиши зарур.

Тоза ичимлик суви – бу одамларнинг ўз ҳаёт ва соғлиғини сақлаб туриш, истеъмол ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида маълум ҳақ эвазига етказиб бериладиган ва давлат томонидан ўрнатилган санитария-гигиена ва экологик меъёрларга жавоб берадиган табиий ресурсдир. Демак, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжни қондириш тўғридан тўғри санитария-гигиена нормаларига риоя қилиш ҳамда ва экологик меъёрларнинг таъминланишига боғлиқ.

“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг 97-моддасига кўра, барча сув объектлари аҳоли соғлиғига зарар етказиши, шунингдек балиқ захираларининг камайиши, сув таъминоти шароитининг ёмонлашиши ҳамда сувнинг физикавий,

кимёвий ва биологик хоссалари пасайиши, сувнинг табиий тозаланиш хусусияти камайиши, сувнинг гидрологик ва гидрогеологик режимининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган бошқа кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши ҳолларидан муҳофаза қилиниши керак.

Сув объектлари атрофида сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналари барпо этилади. Мазкур зоналарнинг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан сув объектларининг ҳолати ва ҳажмига кўра белгиланиб, бундай ҳудудларда хўжалик фаолиятининг махсус режими ўрнатилади.

Сув объектларининг муҳофаза зоналари Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисида”ги низом талаблари асосида ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда ер ости сувларини чучук сув захираси сифатида истеъмол қилиш оммавий тус олмоқда. Ер ости сувлари одатда минерал ресурс бўлганлиги боис, бундай сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига кўра махсус рухсатномалар асосида вужудга келади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги 9-сон Қарори билан “Ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти” тасдиқланган. Амалдаги қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда қишлоқларимизда тобора оммавий тус олиб бораётган қудуқлардан фойдаланиш жараёнини фуқароларнинг табиатдан (сув ресурсларидан) умумий ва махсус фойдаланиш ҳуқуқи сифатида таснифлаш мумкин. Жисмоний шахсларга чуқурлиги 25 (йигирма беш) метргача бўлган ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш учун ва суткасига кўпи билан 5 (беш) куб метр ҳажмдаги ер ости сувларини шахсий эҳтиёжлар учун яқка тартибда олишга мўлжалланганда рухсатнома олиш талаб қилинмайди.

Аммо қишлоқ аҳоли пунктларида ер ости сувларидан қудуқлар қазиб фойдаланишнинг яна бир муҳим экологик талаби борки, мазкур талаб қишлоқ аҳоли пунктлари таркибидаги қишлоқ хўжалик ерларида агрокимёвий воситаларни қўллаш жараёнида белгиланадиган меъёрларга қатъий риоя қилишдан иборатдир. Қишлоқ хўжалик ерларида минерал ўғитлар, пестицидлар каби кимёвий воситалардан белгиланган меъёрлардан ортиқ даражада фойдаланиш нафақат ерларнинг, балки ер ости сувларининг ҳам ифлосланишига сабаб бўлади. Тарихан, заҳарли моддаларни экологик жиҳатдан оқилона бошқаришни ҳуқуқий тартибга солиш, сув, тупроқ ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида саноат қонунчилиги доирасида ишлаб чиқилган.[14] Зеро, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелдаги “Чиқиндилар тўғрисида”ги 362-II-сон қонунининг 14,15-моддаларида юридик шахсларнинг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 17-моддада чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишда хавфсизликни таъминлаш, 18-моддада чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида нормалаштириш, 22-

моддада эса чиқиндиларни сақлаш ва зарарсизлантиришга доир талаблар белгиланган. Мазкур нормалар ер ости сувларининг муҳофазасини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

А.Жумановнинг фикрига кўра,[14] аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш бугунги кунда тўла даражада экологик талабларга жавоб беради, деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, ушбу камчиликлар қуйидаги сабаблар натижасида юзага келган: а)сув сифатининг O'zDSt 950:2011 “Ичимлик суви. Гигеник талаблар ва сифат назорати” талабларига жавоб бермаслиги; б)эски водопровод станцияларида технологияларнинг таъминланмаганлиги ва бунинг оқибатида табиий сувларнинг талаб даражасида тозаланмаслиги; в)водопровод тармоқларининг авария ҳолати натижасида сувнинг исроф бўлиши, иккиламчи микроблар билан ифлосланиши; г)сув тортиш тизимида эски технологик схемалар қувватининг етишмаслиги (ёки тозаловчи қурилмаларнинг умуман мавжуд эмаслиги) натижасида сув объектларига меъёрсиз тозаланган ва тозаланмаган оқар сувларнинг келиб тушиши ҳамда ифлосланиши; д)қаттиқ ва суюқ чиқиндиларни оқизадиган юқори технологик омборхона ва полигонларнинг мавжуд эмаслиги ва ҳ.к.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли учун тоза сув ва санитариянинг мавжудлигини таъминлашда давлат бошқарувини самарали ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бунда давлат сув кадастрини юритиш, мониторингини амалга ошириш, экологик нормативлар ва бошқа стандартларни тасдиқлаш, экологик назорат ва экспертизани амалга ошириш кабилар устувор вазифаларни ташкил этади.[16] Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар доирасида мазкур йўналишларни ҳам такомиллаштириш, соҳада рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш кўзда тутилмоқда.

2012 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган “Барқарор ривожланиш концепцияси” бутун инсоният тараққиёти ва фаровонлиги учун муҳим бўлган йўналишларни қамраб олади ва уларни асосий мақсадлар сифатида белгилайди. Мазкур мақсадлар БМТга аъзо барча давлатлар томонидан 2015-2030 йиллар давомида амалга оширилиши кўзда тутилган. Барқарор ривожланиш мақсадлари 17та глобал мақсадни ҳамда улар билан боғлиқ 169та вазифани ўз ичига олиб, улар ичида олтинчи мақсад сифатида белгиланган тоза сув ва санитарияни таъминлаш масаласи инсониятнинг ажралмас узвий ҳуқуқи бўлган яшаш ҳуқуқини таъминлашга, унинг тоза ва қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилгандир. [17] Бугунги кунда бутун дунёда сув ресурслари тақчиллиги кузатилмоқда. Айниқса, иқлим ўзгариши билан боғлиқ салбий жараёнларни бошидан кечираётган дунё аҳолиси учун мазкур жараён янада кескин тус олмақда. Тарихан дунё аҳолиси сув ресурсларидан турли мақсадларда фойдаланиб келади. Улар ичида бирламчи аҳамиятга эга бўлгани – бу аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборатдир. Дунё аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи турли минтақаларда худуднинг табиий сув оқимлари билан таъминланганлик даражаси, санитария нормаларининг мавжудлиги ва уларга риоя этиш ҳолати, чучук зув захираларини сақлаш вазифасининг самарали ташкил этилиши каби бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, мазкур жараённи ички ва ташқи имкониятлардан келиб чиқиб самарали бошқариш давлатлар экологик сиёсатининг таркибий қисмини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг давлат экологик сиёсатида ҳам сув ресурсларини

самарали бошқариш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, санитария талабларига риоя қилинишига эришиш вазифаси марказий вазифалардан бўлиб қолмоқда. [18] Мазкур йўналишда бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, экологик соҳалардаги вазифалари қаторида амалга ошириб келинмоқда.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини том маънода зарур миқдор ва сифатдаги тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқини таъминламасдан амалга ошириб бўлмайди. Демак, инсоннинг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи унинг мутлақ ва ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади. Тоза ичимлик сувининг тавсифи унинг сифати, миқдори, санитария-гигиена ҳолати, экологик меъёри, узлуксизлиги каби омиллар билан белгиланади. Аҳолининг тоза ичимлик сувига эга бўлиш ҳуқуқи ундан фақат ичимлик мақсадида фойдаланишни аниқламайди, аксинча бу ҳуқуқ фуқаронинг сув ресурсларидан бошқа кундалик эҳтиёжларини қондириш учун ҳам фойдаланишини аниқлатади. Шу сабабли амалдаги қонунчиликда ҳар бир фуқаро учун кундалик шахсий эҳтиёжлари даражасида зарур бўлган тоза ичимлик суви миқдори белгиланиши зарур деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, сўнгги йилларда аҳоли ўртасида ер ости сувларидан фойдаланиш оммалашганини эътиборга олган ҳолда, амалдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунга ер ости сувларидан фойдаланишга оид экологик меъёрлар ҳақидаги норма киритилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, аҳоли учун тоза сув ва санитариянинг мавжудлигини таъминлаш масаласи аҳоли сони мунтазам ўсиб бораётган ва янги уй-жойлар узлуксиз барпо этилаётган ҳозирги шароитда долзарб аҳамият касб этишини инобатга олиб, мазкур мавзуга оид соҳалараро тадқиқотларни кўпайтириш зарур деб ҳисоблаймиз. Мазкур хулосавий фикрлар бугун ва келажак учун муҳим бўлган, аҳоли учун тоза сув ва санитариянинг мавжудлигини таъминлашда ўзига хос аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. <https://www.unep.org/>
2. <https://uza.uz/uz/posts/dunyoda-suv-kanalizaciya-muammosi-va-insonlar-hayoti-443983>
3. <https://public.wmo.int/en>
4. Environmental law Dimensions of Human rights, Ben Borer, The several contributors 2015, p. 180-196.
5. Fundamentals of Environmental Law and Compliance, Daniel T. Rogers, CRC Press Taylor & France Group 2023, p. 377-391.
6. Narzullaev O.X. Xalqaro ekologiya huquqi. O'quv qo'llanma. [International environmental law. Textbook] Tashkent: TDYU, 2022, 82-96 p.
7. Abanina Ye.N. Ekologizatsiya kak protsess dostijeniya ustoychivogo razvitiya. [Ecologization as a process of achieving sustainable development]. Vestnik Saratovskoy gosudarstvennoy yuridicheskoy akademii. 2018, no 3 (122), p. 201.
8. Xolmo'minov J.T. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning ekologik xavfsizlikni ta'minlash, agrar va energetika sohasini rivojlantirishga oid konseptual g'oyalarni o'rganish. O'quv-uslubiy qo'llanma. [To study the conceptual ideas of the President of the Republic of Uzbekistan, Shavkat Mirziyoyev, regarding the provision of environmental security, the



- development of the agricultural and energy sector. Educational-methodical manual.] Tashkent: TDYU, 2020, 31-91p.
9. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
  10. Skripnikov N.K. Transgranichnoe vodopolzovanie v sentralnoy Azii (pravovoy aspekt) [Transboundary water use in Central Asia (legal aspect)]. Tashkent, TSUL, 2004, 102 p.
  11. Suv huquqi. Darslik. Mualliflar jamoasi. [Water law. Textbook] Tashkent: TDYuI, 2011, 67-88 p.
  12. Jumanov A.O. Aholini toza ichimlik suvi bilan ta'minlashning ekologik-huquqiy muammolari. Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. [Environmental and legal problems of providing the population with clean drinking water: Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation in Legal Sciences] Tashkent, 2019. 49 p.
  13. International environmental law / Pierre-Marie Dupuy (Graduate Institute of International Studies, Geneva), Jorge E. Viñuales (University of Cambridge). Cambridge, United Kingdom : Cambridge University Press, 2018. p. 583-648
  14. Ilyasova M.T., Akimjanova T. Pravovie voprosi oxrani okrujayushey prirodnoy sredi ot zagryazneniya toksichnimi veshstvami [Legal issues of environmental protection from pollution by toxic substances]. Vestnik KazNU, 2008, no 8, p. 23.
  15. Jumanov A.O. Aholini toza ichimlik suvi bilan ta'minlashning ekologik-huquqiy muammolari. Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. [Environmental and legal problems of providing the population with clean drinking water: Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation in Legal Sciences] Tashkent, 2019. 49 p.
  16. Ekologiya huquqi. Darslik. Mas'ul muharrir: prof. Xolmo'minov J.T. [Environmental law. Textbook. Responsible editor: prof. Xolmo'minov J.T.] Tashkent, TDYU, 2019, 285p.
  17. Law of the Sea, Environmental Law and Settlement of Disputes: Liber Amicorum Judge Thomas A.Tafsir Malick Ndiaye, Rüdiger Wolfrum, Liden/Boston-2007, p.1055-1131
  18. Towards a Greener Economy in Uzbekistan. August 2022. The World Bank Group. –P. 90.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 7 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).